


2021 декабрь

**Аҳоли ва тадбиркорлик
Субъектларининг
инфляцион кутилмалари
шарҳи**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил


Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

2021 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИ

Аҳолининг инфляцион кутилмалари

2021 йилнинг декабрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича респондентларнинг **инфляцион кутилмалари**¹ ўтган ойдаги кўрсаткичга нисбатан 0,8 фоизга камайиб, **15,7 фоизни** ташкил этган бўлса, медиана қиймати² **14,2 фоиз** кўрсаткичда шаклланди (ноябрь ойи якунлари бўйича 14,4 фоиз) (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.


Респондентларниг **39 фоизи** келгуси 12 ой давомида нархлар ўтган 12 ой даражасида ошишини билдиришган бўлса, **22 фоизи** нархлар сезиларсиз ошишини билдиришган.

Жавоб берувчиларнинг келгусида нархларни юқори даражада ошишини кутаётган қисми декабрь ойида ноябрь ойига нисбатан бироз камайган (2-расм).

¹ Инфляцион кутилмалар – инфляцион кутилмаларнинг турли групдори бўйича мос жавобни белгилаган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).

² Инфляцион кутилмаларнинг медиана қиймати – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини teng иккига бўлувчи қиймат.


2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шу билан биргалиқда, декабрь ойида келгусида йиллик инфляция даражаси **13-16 фоизлик** жавоблар грухини танлаган респондентлар сонининг ноябрь ойига нисбатан ошганлиги кузатилди (3-расм).


3-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Респондентлар келгусида нархлар ошишига асосий омиллар сифатида импорт товарлар ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши (35 фоиз), пандемия ва постпандемия шароитида нархларнинг оширилиши (33 фоиз) ҳамда ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши (25 фоиз) келтиришган (4-расм).


4-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари

Декабрь ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари ҳам пасаювчи динамикани кўрсатиб, **14,9 фоизни** ташкил этди, медиана қиймати эса **11,8 фоиз** атрофида шаклланди (5-расм).


5-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Аҳоли вакилларида бўлгани каби респондент тадбиркорлик субъектларининг кўпчилик қисми ҳам келгуси 12 ойда нархлар ўтган 12 ой даражасида ошишини билдиришган (6-расм).


6-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича тадбиркорлик субъектлари жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари йиллик инфляция даражасидан юқори даражада шаклланаётганлигига қарамасдан, уларнинг кўпчилик қисми инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишаётганини таъкидлашган. Айнан ушбу омил жавобланинг медиана кўрсаткичини ҳам сезиларли даражада пасайишига хизмат қилган (7-расм).

7-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Келгусида нархлар ошишига асосий омиллар сифатида тадбиркорлик субъектлари томонидан пандемия билан боғлиқ вазиятнинг ёмомлашиш эҳтимоллигининг мавжудлиги натижасида **хориждан импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши** (39 фоиз) ҳамда ёқилғи ва транспорт

хизматларининг нархлари қимматлашиши (29 фоиз) каби омиллар саналмоқда (8-расм).

**8-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари
(респондентларнинг улуши, фоизда)**



Шу билан бирга, сўровда қатнашган иқтисодиёт субъектларининг деярли **20 фоизи** келгусида **иш ҳақи ва нафақаларнинг ошишини**, 14 фоизи **хориждан хом ашё етказиб беришдаги узилишларнинг** давом этиши мумкинлиги таъкидлашган.